

372
11-79

ШУКУРУЛЛО МАРДОНОВ

ЯНГИ ТАЛЬИММИЙ ҚАДРИЯТЛАР
АСОСИДА ПЕДАГОГИК
КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ
ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ

«ФАН»

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛК
ТАЛЬМИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Т.И.КОРИ-НИҖЕЙ НОМИДАГИ ПЕДАГОТИКА
ФАНЛARI ИЛМИЙ ТАДДИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ЯНГИ ТАЛЬМИМ ҚАДРИЯТЛАР
АСОСИДА ПЕДАГОГ ҚАДРЛАРНИ
ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ**

1000

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛAR АКАДЕМИЯСИ
“ФАН” НАШРИЁТИ

ТОШКЕНТ – 2006

OZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS TALIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILoyATI CHURCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

Мардонов Ш.К.

Янги таълимий қадриятлар асосида педагог қадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш (Масъул мұхаррир проф. Х.И.Ибрағимов). – Ташкент: Фан, 2006. – 232 бет.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллікка ёришиши билан янги қадриятлар юзага келди, улар таълимда ҳам ўзгариши – ларга сабаб бўлди, айниқса, ёшлигининг уига бўлган муносабатини ўзгарттириди.

Муаллиф Республикамизда таълим соҳасидаги ислоҳатларни амалга оширишида педагог қадрларни таълимий қадриятлар асосида тайёрлаши ва малакасини оширишининг педагогик асослари, унинг умумий қонуниятлари, хусусиятлари ҳамда қадрлар тайёрлаши сифатини оширишдаги мухим шартлар ва технологиялар тўғрисида фикр юритиб, унга илмий – назарий ҳамда амалий жавоб беради.

Монография «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга оширишида таълимнинг болшарув органлари раҳбарлари, педагоглар, ўқитувчилар, тарбиячилар, таълим мұассасалари ходимлари, докторантлар, аспирантлар учун мұлжалаланган.

Масъул мұхаррир: педагогика фанлари доктори, профессор Х.И.Ибрағимов

Тақризчилар:

Филология фанлар докторлари А.Э.Маматов, У.Ж.Жуманазаров; Педагогика фанлари номзодлари Х.М.Пайзимуродов, М.М.Мамаюсупов.

4303000000
M ----- Рез.2004
M 355 (04) – 2004

© Ўзбекистон Республикаси ФА «Фан» нашириёти, 2004 й.

ISBN 5-648-03015-0

Издаётся при поддержке
Министерства образования и науки
Республики Узбекистан
Издательство Узбекистанской Национальной
Библиотеки

Мархум отам Мардон ота ўғли

Кўлдошбой ва онам Жумабой ота қизи Турсунойларни порлок хотириасига багишлайди

КИРИШ

«Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» Республикада олиб борилаётган ислоҳотларни ҳисобга олган ҳолда қадрлар тайёрлаш тизимини мазмунан тубдан қайта ташкил этишга қаратилган.

«Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабарини амалга ошириш жараёнда юкори малакали педагогларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш мухим мұаммо сиғатида күйилмокда. Бинобарин, узлуксиз тида күн тартибиға күйилмокда. Бинобарин, узлуксиз таълим тизимининг самаралы фәолијат күрсата олиши, әнг аввало, малакали педагог қадрлар томонидан йўлга кўйиллаётган фаолијат мазмунига боғлиқлар. Шу боис, жамиятгда амалга оширилаётган таълимий ислоҳотлар «Қадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиети истиқболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, маланият, техника ва технологиянинг замонавий ютуқларидан келиб чиқкан ҳолда қайта қуриш¹ ни назарда тутади. Жамиятда ке-чечтган ижтимоий – иқтисодий ва маданий ўзгаришлар эволюцион тарзда таълим тизимининг янги мазмун касб этишини таъминлади, илгор ғояларни ўзида намоён ўтуучи таълимий қадриятлар шаклланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг XIV сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти

¹ Узбекистон Республикасининг «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» түргисидаги Конун// Беркамол авод – Ўзбекистон таражиётининг пойсовори. – Т.: Шарқ наприёт – матбаа концерни, 1997, 39 б.

И.А.Каримов сўзлаган нуткида тълим қадриятларининг ижтимоий ва шахста йўналганик хусусиятини² очиб берди. Ижтимоий қадриятлар, шу жумладан, тълимий қадриятлар ҳам шахси паклантиришга хизмат килиши, унинг қадр – қимматини ошириши, педагоглар томонидан шахс омилининг тълим – тарбия жараёна – рининг етакчи субъекти ва обьекти сифатида тан оли – нишини тъммилаши, унда эркин ва мустакил фикрлари, шунингдек, ижтимоий фаоллик кўниммаларини шакл – лантиришга ёрдам бериши максадга мувофиқидир. Бинобарин, баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялаб вояга етказишга бўлган эҳтиёж ривожлана – ётган ҳамда янтича ижтимоий муносабатлар Карор то – пайтган мавжуд шароитда янада долзарб маънно ва мо – хият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов юкорида қайд этилган ижтимоий талаб моҳиятини кўйидагича ёритади: «Ўз ҳак – ҳукукларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофидаги со – дир бўлаётган воқеа – ҳодисаларга мустакил муносабат билан ёндалапдиган, айни замонда шахсий манфаатла – рини мамлакат ва ҳалқ манфаатлари билан уйғун ҳолда курадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашмиз керак»³.

Мустакил ривожланиш, ўз – ўзини тарбиялари, шах – сий имкониятларни эркин рўёбга чиқаришига бўлган ижтимоий талабнинг қондирилиши, унинг қизиқиши, эҳтиёж ва ҳаётий максадларини инобатга олган ҳолда тъльим – тарбия жараёнини табакалаштириш ва инди – видуаллаштиришга эришиш асосида кечади. Шу боис тълим жараёнининг мазмунни, шакли, метод ва вosi – таларининг тълимий қадриятлар гояларига мос келиши максадга мувофиқидир.

Тадқиқот муаммосининг ечимини топилса унинг моҳиятини яхлит тарзда тасаввур этиш имконига эта бўлган асосий тушунчаларнинг мазмунини аплаб олиш максадга мувофиқидир. Шу боис «қадрия», «тълимий қадриятлар» тушунчаларининг моҳиятини ёритишига ҳаракат қиласиз.

Қадрият атамаси аксарият арабиётларда қайд этил – танидек, фалсафий тушунча бўлиб, у шахс томонидан ташкил этилуви фаолиятнинг мазмунини очиб беришига хизмат қиласи.

Файласуф Э.Юсуповнинг тъкидлапиша, қадрият – бу инсон ёки жамиятнинг у ёки бу эҳтиёжини кондиридиган ва улар манфаатига хизмат қиласидиган моддий ва маънавий эҳтиёж ва манфаатлар. Умуман, қадриятлар жамият ҳаётининг тарихий тарққиёти жа – раенида шакланган ва ривожланган ўтмисда, ҳозирги кунда ва келажакда ҳам ижтимоий – сиёсий, иқтисодий ва маънавий тарққиётига тъсир этадиган, кишилар оғига сингиб, ижтимоий аҳамият касб этадиган моддий ва маънавий бойлиқидир⁴.

Демак, юкорида билдирилган фикрдан англнадики, қадрият инсоният ҳаётининг таркибий унсурларидан бири бўлиб, унинг моддий ва маънавий омилларининг ижтимоий тарққиёт жараёнидаги аҳамияти инсонлар томонидан қадрланишини ифода этади.

Мазкур фикр О.Мусурмонова томонидан ҳам тас – лиқланади. Ҷунопчи, «Педагогик нуктаи назардан қадриятлар шахс оғи ва фаолиягини ривожлантириш – га, уни бир бутун шахс сифатида шаклланшига тъсир этувчи маданий – мальрифий воситадир»⁵.

Лайим муаллифлар томонидан эса ушбу тушунча инсонга хос бўлган энг олий маънавий – ахлоқий си – фатлар мажмуи сифатида талқин этилади. Ҷунопчи, педагог М.Иномова томонидан олиб борилган

² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмокда. – Т.; Ўзбекистон, 1999, 17 б.

³ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмокда. – Т.; Ўзбекистон, 1999, 17 – 18 б.

⁴ Осупов Э. Қадриятлар ва уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни. – Т.: Университет, 1996, 6 б.

⁵ Мусурмонова О. Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбиси. – Т.: Ҳикбутичи, 1996, 54 б.

тадқиқотда "қадрият" түшүнчесининг шархи күйдагича талқын этилади: "Қадрияттар леганда, жамият учун аҳамиятли бүлгөн миллат, элат ва ижтимоий гуруллар – нинг манбаатлари ва максадлари йўлида хизмат қиласидан эркинилк, ижтимоий адолат, маърифат, гў – заллик, ҳалоллик, бурчга садоҳат сингари фазилатлар йигиндинин тушунамиз"⁶.

Бизнинг назаримизда юқорида келтириб ўтилган, фикрлардан дастубки иккитаси "қадрият" түшүнчеси – нинг моҳиятини тұлаконли ифода эта олган. Зеро, қадрият сифатида нафакат мальнивий, балки моддий омиллар хам эътироф этилади.

Түшүнгечанинг туб мальноси борасида билдирилган фикрларни умумлаштириш асосида, таълимий қадриятлар түшүнчесини шундай шарҳлашимиз мүмкін: таълимий қадриятлар шахста илмий–назарий билимдерни бериш, унда юқсак мальнивий–аҳлоқий сифатларни тарбиялаш, унинг ҳар томонлама баркамол бүліб өзінде етишида мұхим ижтимоий–педагогик аҳамияттағы эга бўлган, шунингдек, ўзига хос аҳамият касб этиувчи объектив ва субъекти омиллар мажмусасидир.

Яңтиланган жамият, мальнивий, интеллектуал қадриятлар, ҳалкнинг бой анъаналари, умуминсоний ҳамда міллий қадриятлар, фан, техника, технологиялар ютуқларига таянган ҳодда, шунингдек, мальнивий – аҳлоқий анъаналарини қайта тиклаш ва ривожлантириш асосида ривожланади.

Қадриятлар ва улардан ижтимоий ҳамда педагогик мұносабатларни ташкил этиш жараённан фойдаланиши борасидаги вазифалар – таълим мазмунни, унинг жағареши ва «педагог – талаба» тизимидаи ўзаро мұноса – батларни ташкил этиш асосига киригтилиши лозим. Педагогик мұносабатлар мұаммоларини ҳал этиши ҳам та – лаб этилади. Бўлажак ўқитувчини тайёрлаш билан

боғлиқ педагогик ҳолисани ҳам эътиборлан четла қолдириб бўлмайди.

Бу мұраккаб ва кўп кирралы ижтимоийлашиш жа – раени – бутунги кунда мұхим ижодий йўналганлик, ижтимоий – педагогик қадрият сифатида алоҳида эъти – борни талаб қиласиди. Таълимдаги янги қадриятлар шахснинг «таълим ва мугахассислик йўналишларини» танлаб ва педагогик фаолиятида ижодий имкониятла – рини фаоллаштирувчи, «Мен» концепцияси негизида ўзини қадрлап мұносабатида бўлиши билан ўқув – тарбиявий жараёнда ҳар томонлама ривожланган шахсни шаклантиришига қартилган инновацион ўқитишини талаб этади:

- ўқувчиларнинг хусусиятлари ва қобилияларини, уларнинг ички имкониятларини очиб беришга қартилганлик;
- міллий ва умуминсоний қадриятларни педагоглар оғигига синглириш;
- шахс, жамият ва атроф – мұхитнинг мұносабатларини үйренаштириш;
- мұносабатлардаги қадриятни анъаналар асосида, ўқитувчи ва ўқувчининг бир – бирини ҳурмат килиши;
- ўқувчиларда эстетик бой дүнёкарашни, юқори мальнивийлікни, маданиятиллік ва ижодий фикрлашни шаклантириш;
- унинг тарих, ҳалк олалари ва анъаналари билан ўзбекистон ҳалклари маданиятини саклаш ва бойитиш, таълимни міллий ривожланишининг мұхим воситаси деб тан олиш, башка ҳалклар тарихи ва маданиятини ҳур – мат қиласи билан узвийлигидан иборатдир;
- ижодий фикрлаш, башпорат қила олиш, муқобил фикрлашпа имкон берувчи шакл, метод ва воситалари – Алан фойдаланиб, ижтимоий аҳамиятли қарорлар қабуд килишига ўргатиши.

Ўқитувчиларни, энг аввало, педагогика олий ўқув орталарида керакли даражада тайёрлашнинг педагогик, ижодкорлик мұаммоларини ечиш учун Методологик, дисс...докт. пед. наук. – Ташкент, 1998, 38 б.

назарий ва амалий асосларини аниқлаш зарур. Тэльимий қадриятларни олий педагогика мактаблари, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишининг ҳам яни илмий асослари зарур.

Янги ижтимоий – иктисолий шароитда тэльим си – фатни мавжууда талаблар даражасида таъминлаш йўлида амалий фаолият олиб борилмоқда. Мустакиллик йилларида бу борада муайян ютуқларга эришиди. Чунончи, баркамол шахс ва малаками мутахассисни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш жараёнининг илмий асослари яратилиди, янги мазмун ва ўйналиша фаолият юритувчи узулксиз тэльим тизими шакллантирилди. Бу борада қўйилдаги ишлар амалга оширилди:

- ўқитувчиларни касбий даражасига кўйиладиган талабларни тартибиға солувчи давлат таълим стандаларлари ҳамда таълим ва ўқитувчилар билимлари сифатини назорат қиуловчи кўрсаткичлар, на зорат тизими ишлаб чиқиди ва амалиётта татбик этиди;
- олий ўқув юргуларини янти ўқув, ўқув – методик адабиётлар билан таъминлаш муаммосини ҳал этиши максадиди яни ўқув дастурлари, дарслеклар яратилиди, айрим дарслек ва дастурлар қайта кўриб чиқиди;
- барча гуманитар фанлар мазмунидаги сурʼирилган ғояларни синтез қилиш асосида педагогик таълим мазмунни янгиланди;
- таълим жараёнининг ички мантиқи ва конуниятларини ўқувчиларнинг билиб олишлари ва аиглаб етишларига Карагилган психологик – педагогик шарт – шароит яратимоқда;
- педагогик малакали ўқитувчилар билан таъминланмоқда. Тэльим муассасаларининг фаолиятини ўрганиш бу борада муайян камчиликлар борлигини кўрсатмоқда. Улар қўйилдагиларларидан:
- ўқитувчилик касбига эътиборнинг етарили
- Эмаслиги;

• тэльим – тарбия жараёнига педагогик технологияларни татбик этиш борасидаги имкониятлардан етарли даражада фойдаланилмаслик;

• педагог кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш сифатини оширишга барча воситаларнинг тўла жалб этилмаётганлиги;

• ўқув режаларни мазмунан янгилашда етарли самарага эришилмаётганлиги;

• ўқитувчиларнинг тэльим – тарбия жараёнини самарали йўлга қўйишда етарли ташкилий, педагогик ва методик тайёргарликка эга эмасликлари;

• ўқув – методик ва ўқув – тарбиявий жараённи компютерлаштириш, педагогик фаолиятда техник во – ситалар хизматидан унумли фойдаланилмаслик;

• тэльим жараённида шахсни тарбиялаш ва уни ривожлантириш тамойилининг устун эмаслиги;

• тэльим – тарбияда шахс омилининг устуворли – гига эришилмаганлик, ўқувчи шахси, унинг шаклланишига эътибор берилмаётганлиги;

Кўрсатиб ўтилган камчиликлар педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш жараённида янада якъюлроқ намоён бўломоқда. Мавжууда камчиликларни бартараф этиш йўлида, бизнинг назаримизда, қўйидагиларнинг амалга оширилиши максадга мувофиқ;

• педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга нисбатан ижтимоий ва педагогик талабларни кучайтириш;

- тэльими қадриятлар асосида педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш;
- тэльим тизимига илфор педагогик ва ахборот технологияларни татбик этиш;

- тальлим жараёнида шахсни тарбиялаш ва ривож – лантириш тамойилланинг устуворлигини таъминлан;

- ижтимоий ва табиий фанлар мазмунидаги миллий қадриятларниң ўзаксими топилиши эриши;

- таълимнинг шахсни ҳар томонлама шакланишига йўналаганинги таъминлаш, мазкур жарабённинг инсонпарварлик ва демократик ғоялар билан бойкити – лишига эриши.

Айни вактда узлуксиз тальлим тизимининг барча босқичларида фаолиятини такомилластириш, унинг мазмунига энг илгор ғояларни татбиқ этиш борасида белгиланган чора – тадбирларининг амалий тасдиини таъминлашга алоҳида этибкор қаратиш кечиқтириб бўлмайдиган ва – зифалар ҳисобланади.

I. БОБ. ПЕДАГОГ ҚАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ҚАДРИЯТЛАР АСОСИДА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИННИ ОШИРИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

1.1. «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури»да педагогларни тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомилластириш ғояларининг ёритилиши

Ўзбекистон Республикаси ривожланшишининг муҳим шарти сифатида қадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизимини шаклластириш муаммоси илгари суриди. Миллий мерос ва умуминсоний қадриятлар, замонавий илм – фан, техника, технология ҳамда ишлаб чиқариш соҳаларида эришилган ютуқуларни тальлим тизимига татбиқ этиши асосида малакали қадрларни тайёрлашнинг мукаммал тизимини яратиш бутунги куннинг долзарб вазифаларидан бири эканлиги Ўзбекистон Республикасининг «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури», Мактаб тайлимими ривожлантиришининг Давлат умуми миллий дастурида алоҳида қайд этиб ўтилган. Педагог қадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимининг мазмуни – мутахассислик фанлари асосларини пухта ўзластирган, юкори даражадаги касбий кўнинма ва малакаларга эга ўқитувчиларни тайёрлаш, уларни замонавий педагогик технологиялар билан танишириш, уларда юксак мальнавий – ахлоқий сифатларнинг шаклланишини таъминлашдан иборат. Бунга эса факатина узлуксиз тальлим тизимини доимий такомилластириб бориш орқалини эришиш мумкин. Узлуксиз тальлим – Республикада ижтимоий – иктисолий ривожлашини таъминловчи муҳим соҳа бўлиб, у тальлим, тарбия ва қадрлар тайёрлаш тизимининг асосидир. Ижодий, ижтимоий хусусиятни ўзида намоён этувчи, тальлим тизими мальнавий етук,

юкори малакали шахснинг шаклланиши учун зарур шарт – шароитларни яратади.

Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»⁷ малакали кадрларниң янги авлодини шакллантиришга йўналтирилган. Мазкур мөъёрий ҳужжатда ўз ифодасини топган кадрлар тайёрлаш милий модели баркамол шахс ва малакали мута – хассисни шакллантириш жараёнининг мазмунини илмий жиҳатдан асослаш билан бирга унинг ижтимоий – иктиносий, ҳукукий, психологик, педагогик ва бошқа асосларини ёритиб беради.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да мавжуда шароитда малакали мутахассисни тайёрлаш жараёнида ечими изжобий тайминланиши зарур бўлган вазифалар кўрсатиб берилган. Ушбу вазифалар сирасига куйидагилар киради: узлуксиз тайлим тизимининг барча босқичларида фаолият олиб бораётган тайлим муассасаларини малакали мутахассислар билан тайминлаш, педагоглик фаолиятининг обруси ва ижтимоий мавқеини ошириш, ўқувчиларни ахлоқий – маънавий тарбиялашнинг самарали шакл, метод ва усулларини ишлаб чиқиш, уларни амалиёта татбик этиш, тайлим ва тарбия жараёнининг сифати ҳамда самараордитни тайминлаш, ўқув муассасаларининг моддий – техник базасини яхшилаш, хорижий мамлакатларнинг тайлим тизимида кўлга киритилган ютуқ ва тажрибалари билан танишиш, уларнинг изжобий жиҳатларини ўзлаптириш, тайлим сифатида жаҳон тайминлаплан ташкиллаш, тайлим тизимининг асосий модельнинг асосий таркиби қисмлари шахс, давлат ва жамият, узлуксиз тайлим, фан ва ишлаб чиқарип саналади. Шахс кадрлар тайёрлаш тизимининг асосий

субъекти ва объекти, тайлим соҳасидаги хизматларнинг истеъмоличиси ва уларни амала оширувчи⁸ сифатида намоён бўлди. Узлуксиз тайлим тизимида илгор педагогик ва инновацион технологияларнинг ишлаб чиқарувчиси бўлган фан⁹ ҳамда шахс ўргасидаги муносабатлар бевосига кадрлар тайёрлаш тизими доирасида амалга оширилади. Узлуксиз тайлим тизимининг ҳукукий асосларини қайд этувчи мөъёрий ҳужжатларда тайлим соҳаси Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналиши дей эътироф этилади. Шахс эса тайлим тизимининг асосий субъекти, объекти, тайлимий ислоҳотларнинг асосий ҳаракатлантирувчи кути сифа – тида тан олинмоқда.

Бўлажак ўқитувчи қиёфасида баркамол шахс ва малакали мутахассиста хос бўлган барча сифатлар ўз аксими топа олиши зарур. Мазкур сифатларнинг намо – ён бўлиши бўлажак ўқитувчининг касбий тайёргарлик даражасини тавсифлайди.

Бизга яхши маълумки, ўрга маҳсус касб – хунар ҳамда олий тайлим тизимларни тайёрланаётган мута – хассисларнинг касбий тайёргарларлини муайян мезон – лар асосида аниқланади. Ана шу мақсадга хизмат килувчи мезонлар «Олий тайлимдаги тайёрлов йўна – лиллари, касблар ва ихтисосликар класифика – тори»да ёритиб берилади. Айни вактда олий ўқув юрт – ларида тайёрлананаётган мутахассислик ва ихтисосликар, уларнинг асосларини ёритиб берувчи муайян фанлар бўйича яратилган ўқув дастурларининг йўналиши ва мазмунига кўра куйидаги беш блокка бириттирилган:

⁸ Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» тўғрисидаги Конун// Баркамол авлод – Ўзбекистон та – ракқиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ нашиёт – матбаа концерни, 1997, 41-42 б.

⁹ Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» тўғрисидаги Конун// Баркамол авлод – Ўзбекистон та – ракқиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ нашиёт – матбаа концерни, 1997, 42 б.

1. Гуманитар ва ижтимоий – иктиносий фанлар блоки.

2. Математика ва табиий фанлар блоки.

3. Умумкасбий фанлар блоки.

4. Иктинослик фанлари блоки.

5. Тальмининг кўшишма турлари.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да шакланган шахс кўрсаткичлари кўйдагилардан иборат эканлигига ургу берилади:

- мустакилик;
- мустакилик ва демократия гояларига содик, ва – ташпарвар;
- юкори малакали мутахассис;
- ижтимоий – сиёсий фаолликка эга шахс;
- ижтимоий жараёнларга фаол таъсир кўрсатувчи;
- фикрлап ва мунозара юритиш маданиятига эга – лик;
- бой дунёкарашга эга шахс.

Шу билан бирга бўлажак ўқитувчи Давлат таълим стандартларига киригилган талабларни баҳарини шарт. Педагог кадрлар малакасини ошириш тизимида эса шахс кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш – нинг меъери кўрсаткичларига асосланувчи ҳамда давлат аттестацияси талабларига жавоб бера олиши зарур. Давлат таълим стандартларига мувофиқ педагогика олий ўкув юргаридан ташкил этилаётган педагогик фаолият қўйидали ҳолатларнинг қарор топишини таъминлаши лозим.

1. Миллий таълим дастури мазмунидаги белгилаб берилган вазифаларни амала оширишда мустакиликни таъминлаш, ягона таълим майдонини қарор топтириш;

2. Олий таълим сифатни яхшилаш;

3. Олий ўкув юргаридаги фаолиятини мутахассисликлар йўналиши мазмунни асосида объектив баҳолаш имко – ниятларини ўрганиш;

4. Олий таълим мазмунини ифодаловчи меъерий ҳужжатларнинг хорижий мамлакатлар таълим тизими мазмунини ёритувчи меъерий ҳужжатларга муносибирлигини аниқлаш.

Педагогика олий ўкув юртларида бўлажак педагогларни тайёрлаш ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», шунингдек, узлуксиз таълим тизими можиятини ёритувчи бир қатор меъерий хужжатлар талабларига мувофиқ тайёрланади. Мазкур таълим муассасаларида мутахассисларни тайёрлаш, улар таълим оладиган мутахассислик йўналиши бўйича малакавий тавсифномаларда белгиланган кўрсатмаларга мувофиқ амалга оширилади.

Малакавий тавсифнома (характеристика) муайян мутахассислик хусусиятларини акс этирувчи кўйидаги ҳолатларни ифода этади:

I. Фаолиятнинг асосий соҳаси ва турлари:

а) фаолият соҳаси:

- 1) бошқарув ва бошқалар;
- 2) фаолият турлари:

 - 1) ўқув;
 - 2) методик;
 - 3) тарбиявий;
 - 4) ташкилий;
 - 5) иммий (рахбарлик);
 - 6) кадрлар билан ишлаш (шахсий – технологик);
 - 7) тадбиркорлик;
 - 8) экспертизлаш.

II. Улар фаолият олиб борувчи ташкиллар:

1. Мактабгача таълим муассасалари.
2. Умумий ўрга таълим муассасалари.
3. Ўрга маҳсус, касс – ҳунар таълими муассасалари (академик лицейлар, касс – ҳунар коллежлари, ўкув – шабаб чиқарип мажмуалари).

4. Олий ўқув юрглари (институт, университет, академия).

5. Олий таълимдан кейинги таълим мусассалари (педагогларни кайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари, факультетлари, курслари ҳамда марказлари).

6. Таълимни бошқариш органлари.

7. Ўқув курслари, махсус ўқув юрглари, бизнес марказлари, хорижий тилларни жадал ўргатиш курслари, марказлари.

III. Лавозимлари:

- 1) Мутахассислик фани ўқитувчи;
- 2) Махсус фанлар ўқитувчи;
- 3) Методист ва бошқалар.

IV. Шахсий сифатларга қўйилувчи талаблар:

- 1) психоложик;
- 2) мальнивий – ахлоқий;
- 3) ақлий;
- 4) фаолияти ташкил этиши маҳорати ва усусларига кўйиладиган талаблар.

V. Лавозими бўйича амалга оширилувчи вазифаларниң рўйхати¹⁰.

Мутахассислик мөхиятни ёритувчи асосий меъёрий хужжатлар сирасига, шунингдек, профессиограмма, касбий фаолият тавсифномаси (трудограмма) ҳамда психограммалар ҳам киради. Уларнинг ҳар бирида мутахассислик ва унинг асосларини эгаллаган ҳолда фаолият юритувчи шахс киёфаси ўз аксини топади.

Профессиограмма бўлажак мутахассис киёфасидага акс ётувчи кассий ва шахсий сифатлар, жисмоний лаёкат, шунингдек, психологик хусусиятларга

куйиладиган касбий талабларни ифода этувчи меъёрий кујожат саналади.

Профессиограммада ифода этилган кўрсатмаларга мувофиқ иш кўриш мутахассиснинг касбий фаолиятни ташкил этишга нисбатан жисмоний ва руҳий лаёкати, у томонидан ушбу фаолиятнинг ижтимоий аҳамияти, пажсий манфаатлар (фаолиятнинг амала оширилишидан мутахассис қоникиш ҳис эта олиши, унинг эҳтиёжи, хоҳип – истаги ҳамда кизиқишилари билди ўйгунлати)ни кондира олиш даражаси, шунингдек, мутахассиснинг касбий жихатдан тикомилашувчи ва унинг аунёкарапшини бойигтишга имкон берувчи шароитларни яратишда иммий нутқи ишлардан ёндалашувга эршиши имконини беради.

Профессиограмма¹¹ муйян соҳалар бўйича фаолият юритувчи мутахассис киёфасини яхлит ҳолда ёритувчи дилозадир. Аксарият ҳолатларда профессиограммаларда мутахассис касбий тайёргарлигининг ўртача даражаси ишобатга олинади. Бизнинг назаримизда мутахассисларни тайёрлаш ва уларнинг касбий молакаларини такомилаштиришга бўйлан ижтимоий талабаларнинг ортиб бораётганлигини инобатга олан ҳолда профессиограммада касбий тайёргарлигининг ўртача ҳамда юкори даражаларининг алоҳида – алоҳида белгиланиши максадга мувофиқлар.

Намунивий профессиограммада қўйидаги таркибий қисмлар ўз аксига эга бўлган:

- 1) мутахассислик ва ихтисослик номи;
- 2) касбий таълим (таълим шакллари, махсус фанлар ососларини ўқитиш негизида муйян соҳа бўйича мутахассисларни тайёрловчи ўқув юргларига кириши шартлари, таълимнинг давомийлиги, эгалланадиган малака даражаси, касбий жиҳатдан ўсиши имкониятлари);
- 3) касбий фаолияти (вазифаси) хусусиятлари, фаолиятда кўзга ташланувчи устувор жиҳатлар, малакавий

¹⁰ Мусалимов Н.А. Бўлажак касб таълимни ўқитувчини касбий шакллантириш. Монография. – Т.: Фан, 2004.

¹¹ Кузьмина Н.В., Реан А.А. Профессиограммада таълимни ўқитувчи касбий таълими. – СПб.: Книга, 1993, с. 98.

талаб ҳамда эгалланиши зарур бўлган асосий назарий билим, амалий кўнишка ва малакалар;

4) психограмма касбий – йўналтирилган талаблар,

ижтимоий маланий сифатлар, мутахассисликка хос бўлган сифатлар (касбий йўналашсанлик, билимдонлити, касбий лаёкат);

5) меҳнатнинг санитария – гигиеник шароитлари (иш тартиби, сенсомотори ва перцептив доиралари тиббий курсатмалар).

Профессиограммаларда мальум касбий фаолиятни ташкил этишининг ижтимоий, технологик, иктиносидий ҳамда санитария – гигиеник меҳнат хусусиятлари тўғрисидаги мальумотлар ҳам ёритилади. Бундай профессиограммаларда касбий фаолиятнинг максади, предмети, усули, натижаларни баҳолаш мезонлари, зарур малакавий хусусиятлари, воситаси, шарти, ташкил этилиши, тадбиркорликни йўлга кўйин имкониятлари, эҳтимоли назарда тутиувчи хавф – катарлари, уларнинг мутахассиснинг хаёти ва фаолиятига бўлган салбий таъсиirlари, фаолиятнинг самарали натижасини кафолатловчи афзаликлари каби ҳолатлар ўз аксини топади.

Касбий фаолият (меҳнат) тавсифи (трудограмма) ҳам касбий фаолият моҳиятини ёритувчи мужим меъёрий хужжатларнинг бири саналиб, унда касбий фаолиятнинг ижтимоий хусусияти, аҳамияти, унинг оммавийлашганлик даражаси, меҳнат шароитлари, шунингдек, мазкур фаолиятни ташкил этишида кўлланиувчи меҳнат куроллари тўғрисида ҳам сўз юритилади.

Касбий фаолият (меҳнат) тавсифи (трудограмма) мазмунидаги ҳолатлар ифода этилади:

1. Касб (касбий фаолият)нинг ижтимоий йўнал – ганилиги, вазифаси, унинг жамиятдаги ўрни ва роли (моддий ёки мальавий маҳсулот (фой)лар ишлаб чиқарил, турли ижтимоий соҳаларда хизмат кўрсатиш, ахборотларни тўплаш, саклаш ва тарқатиш), унинг ин –

сон эҳтиёжлари ва манфаатларини қондиришига йўнал – тирилганили.

2. Касб (касбий фаолият)нинг оммалашганлик да – рожаси (сўз юритилаётган касб йўналишида фаолият олиб борувчи ташкилотлар).

3. Касбнинг предмети (мутахассис томони – лан меҳнатни ташкил этиш жараёнида унинг шахси ҳамда меҳната самарасига тасир кўрсатувчи ижтимоий омиллар (моддий буюмлар, ижтимоий – фояий предметлар – маданият, ахборот, мальум шахс ёки омма – шинг ижтимоий онги, нотабиий буюмлар)нинг мавжуду – лиги.

4. Бўлажак мутахассисга касбий билимларни (му – айян йўналишда фаолиятни Ташкил этишининг турла жиҳатлари борасидаги мальумотлар тўплами) узатиш – шинг ижтимоий зарурияти.

5. Самарали натижага эришиш учун фаолият жарденида қўлланиувчи техника, технология, фаолият (харакат, усул, маҳорат ва иш услублари) ҳамда улар – шинг кўлами, умумлаштирилганлиги, автоматлаштирил – ганилиги.

6. Меҳнат воситалари (зарур меҳнат маҳсулотини олиш йўлида хусусий максадни амалга ошириш, меҳнат предметига таъсир кўрсатиш максадида инсон томони – лан фойдаланадиган ижтимоий (моддий ва мальавий) омиллар). Айни ўринда меҳнат воситалари сифатида эътироф этилувчи ашёлар (иши куроллари, асбоб – ускуналар, копъютерлар ҳамда мантикий фикрлар, ах – локий ва эстетик баҳолаш тизим ва кўрсаткичлари) ҳам саналиб ўтилади.

7. Меҳнат шароитлари (меҳнат ва АДМ олиши тарти – би, уларни ўзтартириш ва ўзаро мувофиқлаштириш имкониятлари; ижтимоий мужиг хусусиятлари; меҳнат – шинг санитария – гигиеник омиллари; иши жойи, меҳнат суръати, жадаллиги ва ишнинг давомийлиги).

8. Касбий фаолият (меҳнат)ни ташкил этиш ва бу борада ҳамкорликка эришиш (муайян касб учун харак – терли бўлган индивидуал хусусиятлар, якка тартиба

олиб борилувчи, ҳамкорликка асосланувчи ва гурухи фаолият, шунингдек, касбий муносабатлар турлари ва унда иштирокчиларни тутган ўрин, улар ўргасида меҳнат воситалари ва маҳсулотларнинг алмашши; ишни бажариш мельерлари ва муддатиг; лавозимлар ёки лавозимлар тартибига мувофиқ бўйсуниш, касс доира – сидаги ижтимоий мавқеи ва мансаб).

9. Меҳнат маҳсулоти ёки унинг натижасига ишсбатан кўйилувчи талаблар (инсон томонидан меҳнат жараёнида содир этилувчи сифат ва микдор ўзгаришилари, меҳнат натижаларини баҳолаш кўрсаткичлари, меҳнат натижасининг муйян даражаси (меҳнатни кассб такозоси учунтина бажарилишидан ижтимоий хусусият кассб этишига эришилиши), катыйи тартибларнинг белгилаб кўйилиши).

10. Касбий профессионализмнинг мавжуда даражалари (малакавий разрядлар ва уларга ҳак тўлаш тартиби).

11. Мутахассиснинг мальнивий – ахлоқий қиёфаси (психологик ва ижтимоий хавфсизлик, касбий фаолиятида кулаг мікромуҳитнинг мавжудлиги: ижтимоий қадфолатлар, меҳнат ва дам олишига ҳак тўлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш; меҳнат фаолиятини бажаришнинг илдишида услубини танлаш ва операцияларни индивидуал тарзда ўзгаришини кўйикининг мавжудлиги, малакани ошириш, турдоп касблар бўйича қайта тайёрлаш борасидаги имтиёзлар, лавозим бўйича «ўсиб бориш» тартиби ва мутахассиснинг касбий жиҳатдан ўсишининг рағбатлантирилиши).

12. Мутахассислик мажбуриятлари (касбий малакани эгаллаш, касбий ҳулк – одоб қоидаларнинг мажбурий – лигини билиш (қасбдошлиари билан муносабатда сами – мий, ахлоқи бўлиш); иш жараёнида касбий ва хизмат сирларини саклаш қоидаларига амал қилиш, ҳужжат – ларни тўғри торитиш; мудайян чекланишлар яъни, ушбу фаолият жараёнида маълум хоти – ҳаракатларни содир этишининг таъкидланганлиги; лавозим бўйича вазифалар

ва мажбуриятлар (у ёки бу ташкилотла муйян лаво – зимга кўра мутахассиснинг қандай вазифаларни қайтирида бажарипи).

13. Касбнинг инсон ҳулк – автори ва яшаш тарзига юрсатувчи таъсирни.

14. Ўз – ўзини шаклантириш, физиономистик ривожланиши ўчналиллари, биопсихологик ўзгаришилар, касб воситасида қарор топувчи индивидуаллик, унинг шахсни ривожлантириш борасидаги имкониятлари, касбий жиҳатдан таркиб топган муйян жамоа ҳамда ижтимоий гурухга мансублик.

15. Касбий фаолиятнинг салбий жиҳатлари (кийинчиликлар, касбий фаолият жараёнида йўл кўйилиши мумкин бўлган хатолар, уларнинг турлари ва кўлами, рўй бериш эҳтимоли бўлган моддий ва мальнивий йўқотишлар, мураккаб вазиятларнинг мовжудлити, вазиятнинг ўзгарувчанлиги ёки тўхтамишларнинг содир бўлиши, монотония, вақтнинг чегараланганилиги, ахборот етишмовчилити ёки уларнинг кўплиги; авария ҳолатларининг содир этилиши эҳтимоли, касбий қасалмилари келтириб чиқарувчи ва бошқа психологик ҳолатлар; касбий жиҳатдан юкори лавозимларга кўтарилишинг мумкин эмаслиги, паст даражадаги меҳнат самарадорлиги, мавжуд қоидаларни бўзгандлик учун белгиланувчи мальмурий жазо (жарималар) турлари.

Психограмма – мутахассиснинг мальнивий – ахлоқий қиёфаси, шу жумладан, ақлий. Мальнивий – ахлоқий ҳамда психологик жиҳатда ривожланганлик даражасини ёритувчи мельерий ҳужжат. Касбий фаолиятни самарали ташкил этипла ижтимоий – касбий муносабатлар, касбий жиҳатдан ўсиш, шунингдек, содир бўлиш эҳтимоли бўлган экстремал вазиятларни бартараф этиши учун талаб этилувчи психологик сифатлари мухим оҳамият касб этади, уларнинг сирасига кўйилагилар киради:

1) шахсий эҳтиёжлар, ҳаётӣ максад, вазифалар, талаблар, қизиқишлар, шахс иштироқида ташкил эти-

лувчи муносабатлар мазмунни, қадриятили йўналишлар, психологик позиция:

- 2) касбий интилишлари, талаблари, касбий жиҳатдан ўзини баҳолаш, ўзини мутахассис сифатида англаш;
- 3) психик ҳолат ва ҳиссий (эмодионал) қиёфа;
- 4) меҳнат, утиш ташкил этиши жараёни ва натижалардан қониқиши (мутахассиснинг хусусиятлари);
- 5) меҳнат ва касб борасидаги психологик билимлар;
- 6) психотехнологилар, психологик ҳаракатлар, усувлар, услублар, маҳорат ва техникаси (уларнинг шахсга таъсири);
- 7) касбий қобилият, касбий салоҳият, касбий жиҳатдан ўсиш имкониятлари;
- 8) касбга хос, шу жумладан, ижодий фикрлари, касбий тажрибани бойитиши имкониятлари;
- 9) касбий жиҳатдан ўшиши режалагириш ва ривожланиш;
- 10) психологик зиддиятгар (касбий фаолиятга мутлако ёки муайян даражада мос келмайдиган психик сифатлар, бу ўринда касбга хос операцонал зиддиятларни аниқлаб олиш максадга мувофиқлар);
- 11) касбий жиҳатдан ўсиш йўналишлари.

Илм – фан, техника ва технологияларнинг шиддатли ривожи профессиограммаларнинг энг мукаммал тури бўлган аналитик профессиограммаларни яратишни тақозо этмоқда. Аналитик профессиограммада¹² «касбий фаолият ва шахснинг касбий аҳамиятили сифатлари, унинг алоҳида жиҳатлари эмас, касб (ёки касбий фаолият)нинг психологик тузилимасини умумлаштирувчи мельерий ва морфологик кўрсакчиchlар» ифода этилиб, унда куидаги икки блок алоҳида қайд этилади:

- 1) мальум шахсга боғлиқ бўлмаган ва ижтимоий тажрибаларга асосланувчи касбий фаолиятнинг обьектив хусусиятларини тавсифлаш;

2) обьектив фаолиятга симметрик, бирор, у билан¹³ уйғун бўлмаган психологик мазмунга эга фаолият ва унинг сифатларини тавсифлаш. Бошқача қилиб айтганда, аналитик профессиограммада касбий фаолият мебёри, психологик тузилмаси ҳамда ишчининг психологик сифатлари алоҳида қайд этилади.

Олий ўкув юртларида тайёрланаётган мутахассисликлар томонидан ўзлантирилини зарур бўлган билим, кўнникма ва малакалар малакавий тавсифномалар асосида аниқ ёритиб берилади. Малакавий тавсифнома мёърий хужжат саналиб, унда майян йўналишда тайёрланаётган мутахассиснинг шахси ва улар томонидан амалга оширилуви фаолият мазмунига кўйиладиган умумий талабларни акс этиради.

Педагогика олий ўкув юртхарининг амалий фаолиятида асос сифатида фойдаланиб келинаётган малакавий тавсифномалар бўлажак ўқитувчининг касбий тайёргарлигини аввалдан ташхислаш ҳамда у томонидан ўзлаштирилуви назарий ва амалий билимлар даражасини башоралаш имконини беради.

Олий педагогик таълим амалиётида турли йўналишлардаги мутахассисликлар можиҳитини ёритувчи малакавий тавсифномаларнинг барчаси Е.М.Борисова¹⁴ томонидан асосланган кўйидаги тавсифий кўрсаткичларни ўзидаги намоён этади:

1. Мутахассиснинг шахсий хусусиятлари.
2. Мутахассислик фаолиятининг асосий соҳа ва турлари.
3. Мутахассислар фаолият олиб борувчи ташкилотларнинг турлари.
4. Мутахассислар эгаллаши мумкин бўлган лавозимлар.
5. Шахсий сифатларга нисбатан кўйилувчи талаблар.

¹² Имамназаров М. Миллый мальавиитимиз назариясига чизги — лар//Мастъул муҳаррир Н.Комилов. — Т.: Шарқ, 1996.

¹³ Борисова Е.М. Профессиональное самоопределение: личностной аспект: Автореф...дисс., докт. психол. наук. — М., 1995.

6. Касбий махорат ва усулларига кўйилувчи талаб — лар.

7. Лавозим бўйича амалга ошириувчи вазифаларнинг тартиби.

8. Касбий билим даражасига кўйиладиган талаблар. Аксарият ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлик даражасининг бўшлиги, уларнинг билим, кўнишка ва малакаларининг меъёрий ҳужжатларда белгилаб берилган мезонларга жавоб берса олмаслиги педагогик каардларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими олдиаги асосий муаммолид. Мазкур муаммоларнинг сабабларини ўрганиш натижасида кўйидагилар аниқланди:

1. Ўқитувчиларда мустақил фикрлараш кўнишка ва

малакаларининг етарли даражада ривожланмаганини; уларнинг тури вазиятларда тўғри қарор қабул қила олмасликлари, ўз имкониятларини етарли баҳолай олмасликлари.

2. Тълим жараёнининг амалий хусусият касб эга олмаслиги; талабаларда касбий фаолият кўнишкаларининг талаб даражасида шаклланмаганини;

3. Талабаларнинг хоҳиш — истаклари, эҳтиёж ва қизиқишиларининг инобатга олинмаганини; улар асосида талабаларни амалий фаолиятга ўйналирил — маганлиги;

4. Ўқув жараёнининг савииси назарий ва амалий билимларни ўргача ўзлаштирувчи талабаларнинг кўрсаткичлари билан бажоланиши.

Касбий талаблар муайян касб ёки хунар эгаси то — монидан ташкил этилувчи фаолият мазмунни ҳамда унинг натижасини белгилаб берувчи ижтимоий ёки айнан ана шу касб (ёки хунар)га хос мезонлар ҳисобланади. Мутахассисларни тайёрлаш, шунингдек, уларнинг касбий такомилини таъминлаш муаммоси доира — сида бажарилган илмий тадқиқотларда касбий талаблар, уларнинг хусусиятлари марказий ўрин тутади. Хусусан,

тадқиқотчи Н.А.Муслимов¹⁴ томонидан олиб борилган тадқиқотда бўлажак касб тальими ўқитувчисини касбий пакллантириш музаммоси татқиқ этилган бўлиб, педа — гогика олий ўқув юрголарининг касб тальими факуль — тетида таҳсил олаётган талабаларнинг касбий тайёр — гарлигини шакллантиришда касбий талаблар ва уларнинг можиятини билиш Муҳим аҳамиятга эга эканлигига алоҳида эътибор қартилали. Муаллифнинг тъқида — шича, педагогнинг касбий тайёргарлигига кўйилувчи касбий талаблар мазмунан кўйидаги икки гурӯхга аж — ратилади:

- 1) асосий талаблар;
- 2) таъминловчи талаблар.

Асосий талаблар можиятини кўйидаги ҳолатлар очиб беради:

1. Ўқитувчининг ижтимоий, касбий ва ҳаёгий фао — миятига оид муаммоларнинг асосий даражаси, глобал мунтакавий ва этник муаммолар даражаси, индивиду — да — шахсий муаммолар даражаси (шу жумладан, ўзини тақомилаштириш ва ривожлантириш).

2. Муаммолар можияти ҳар бир босқичда барқарорланиш, фаолият кўрсатиш ва ривожланши хусусиятига эга.

3. Ҳар бир даражада муаммоларининг мазмунини очиб берувчи намунавий синов топширикларининг тўплами.

4. Муаммоларни ҳал қилиш борасидаги билим, кўнишка ва малакаларнинг шаклланганлик даражаси кўр — саткичлари¹⁵.


Ҳар бир гурӯҳ ёки унданги гурӯхлар бўйича таъмин — ловчи талаблар кўйидаги тузилиш белгилари орқали берилади. Мазмунини берувчи таркибий қисмлари тўп —

¹⁴ Муслимов Н.А. Бўлажак касб тальими ўқитувчисини касбий пакллантириш. Монография. — Т.: Фан, 2004.

¹⁵ Муслимов Н.А. Бўлажак касб тальими ўқитувчисини касбий пакллантириш. Монография. — Т.: Фан, 2004, 58 б.

лами (ижтимоий касбий ва шахсий ахамиятли интеллектуал маҳоратлари ва индивидуал сифатлари, билим соҳалари, модуллари ва алоҳида илмий фанлар таркиби, таъминловчи талаблар мазмунини таркибий қисми – ларидан ҳар бирини очиб берувчи намунавий синов тошлириклари тӯплами, бўлажак ўқитувчидан таъминловчи талаблар мазмунининг таркибий қисмларидан ҳар бирининг шаклланганлик даражаси кўрсаткичлари¹⁶.

Муаллиф томонидан бўлажак ўқитувчининг касбий шаклланишининг кўйидаги андозаси таклиф этилади (1-шакл):



- ушбу тизим фаолияти жамията олиб борилаетган ижтимоий ислоҳотлар билан ўйғун ҳолда йўлга кўйилмаган;
 - амалга оширилаётган ҳаракатлар педагог кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширипга кўйилаетган талабларни кондира олмайди;
 - узлуксиз таълим тизимининг илмий барча босқичларида ўқитувчиларнинг савиаси, педагогик обрўси юқори даражада эмас;
 - таълим муассасалари фаолиятида малакали кадрлар ва уларнинг имкониятларидан фойдаланимайти;
 - педагог кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш сифатини назорат қилиш ҳамда баҳолашга қаратилган фаолият ижобий ҳолатни қайд этмаяти.
- 1-шакл. Бўлажак ўқитувчининг касбий шаклланиши

Индивидуал ўкув дастурлари, айниқса, истеъодали талабалар билан шуулланишининг пухта механизми ишлаб чиқилмаган, мавжудларидан ҳам етарли даражада фойдаланимайди. Ўкув режасида матнавий – ахлоқий билим асосларини ташкил этиувчи эстетик, этик, иқтиносидай, хукукий ва экологик матъумотларни берувчи фанларга етарли ўрин берилмаган. Таълим мусассасаларининг мавжуа моддий – техник базаси қоникарсиз ахволда. Маънавий жиҳатдан эскирган ўкув – методик таъминот юқори даражадаги касбий тайёргарликка эга педагогларни тайёрлашга имкон бермайди. Йўналиши, мазмунни ва хусусиятига кўра ўкув жараёнлари ҳамда уларнинг босқичлари ўргасида ўзаро аллокадорлик ва боғликлик кўзга ташланмайди. Педагогик кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими хусусида сўз юритилгандан ўкув дастурининг мазмунидаги камчиликларнинг мавжудлигини таъкидлаб ўтиш зарур:

• ушбу тизим фаолияти жамията олиб борилаетган ижтимоий ислоҳотлар билан ўйғун ҳолда йўлга кўйилмаган;

Педагогик кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими хусусида сўз юритилгандан ўкув дастурининг мазмунидаги камчиликларнинг мавжудлигини таъкидлаб ўтиш зарур:

- ушбу тизим фаолияти жамията олиб борилаетган ижтимоий ислоҳотлар билан ўйғун ҳолда йўлга кўйилмаган;
- амалга оширилаётган ҳаракатлар педагог кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширипга кўйилаетган талабларни кондира олмайди;
- узлуксиз таълим тизимининг илмий барча босқичларида ўқитувчиларнинг савиаси, педагогик обрўси юқори даражада эмас;
- таълим муассасалари фаолиятида малакали кадрлар ва уларнинг имкониятларидан фойдаланимайти;
- педагог кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш сифатини назорат қилиш ҳамда баҳолашга қаратилган фаолият ижобий ҳолатни қайд этмаяти.

Кадрлар тайёрлаш жараёнини такомиллаштириша иммий ходимларнинг фаол иштирок этимаётганини таълим мазмунининг такомиллаштиришга имкон берманяти. Таълим жараёнини ташкил этиш, унинг сифа-

¹⁶ Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантариш. Монография. – Т. Фан, 2004, 59 б.

тини назорат қилиш ва баҳолаш натижасида күтилган натижада қайд этилмаятти.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да кадрларни тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш мутахассисларнинг назарий билим, амалий кўнникма ва малакаларини такомиллаштириш долзарб масала сифатида эътироф этилади.

Педагогик кадрларнинг касбий тайёргарлик дарражасига кўйилувчи талабларнинг ошиши ушбу жараённинг ташкил этилишига маъбул бўлган муассасалар зиммасига ҳам улкан вазифаларни кўйимокда.

Кадрлар тайёрлаш миллий модели фанни ҳам ўз ичига олади. У таълим дарражасининг юкори дарражада бўлиши, педагогик кадрларнинг касбий етуклуги, уларнинг сифатини таъминлашда алоҳида ўрин тулади.

Фан таълим соҳасида юзага келган муаммоларнинг

ижобий ечимини топишда фаол иштирок этади, таълим жараённида илм – фан, техника – ва технология югукуларидан фойдаланишининг шарт – шароитларини ўрганади, улбу жараёнга илгор технологияларни татбик этишининг назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқади.

Фаннинг кадрлар тайёрлаш тизимида узвий равишда иштирик этиши қўйидаги ҳолатлар билан тавсифланади:

- илгор технологияларни яратиш ва татбик этиши, лойихалар тузиши ўюни билан фаннинг таълим тажрибасидаги алоқасини таъминлаш чора – таъдирларини ишлаб чиқши;
- иммий тадқикотлар натижаларини ўкув – тарбиявий жараёнга татбиқ этиши механизмини амалга ошириш;
- «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларининг бажарилишини таъминлаш бўйича иммий текшириш ишларини олиб бориш;
- кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, ёш мутахассисларнинг иммий – ижодий фаолиятини кўллаб – кувватлаш;

• иммий тадқикот ишларининг самарадорлигини баҳолаш, иммий ходимларнинг обрўси ҳамда ижтимоий мавқенини ошириш чора – тадбирларини белгилаш.

Шундай килиб таълим узулусиз жараёнга айланади, унинг йўналишлари аниқланади. Узулусиз таълим тизимининг йўналишлари кўйидагилардан иборат: кадрларнинг шахсий ва касбий имкониятларидан самарали фойдаланиш, ўқитувчи шахси, унинг касбий фаолияти обрўсими ошириш; малакали кадрларни тайёрлаш; мутахассисларнинг маънавий – ахлоқий сифатларини ривожлантириш. Бутунги кунда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларини самарали амалга ошириш йўлида фаол амалий ҳаракатлар олиб борилемокда (иммий – амалий конференция, семинар, иммий мунозаралар ларажасида, шунингдек, педагогик амалиётда).

1.2. Педагогларни тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимларида таълими қадрияларни шакллантириш

Таълими қадриялар жамиятда кечеётган ижтимоий ўзгаришлар асосида юзага келади. Ўзбекистон Республикасида мустакимлик йилларида амала оширилган таълими ислоҳотлар малакали кадрларни тайёрлаш тизимини тубдан қайта шакллантириши таъзоз этади. Айни вактда таълим жараённи ташкил этиши, мутахассисларнинг чуқур касбий билим ва малакага эта бўлишларини таъминловчи илгор, технологик ҳаракетларни ёнлашув Карор топди. Ёшларда билим ўрганиш ҳамда муайян касб ёки ҳунар сирларини ўзлаштиришга нисбатан ижобий муносабат шакманди.

Ўзбекистон Республикасида узулусиз таълим тизи – мининг мазмунни ва моҳиятини тўлақони очиб беришга хизмат қўйувчи «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да

ижтимоий ва шахсий хусусиятга эга қўйилаги тълимий қадрияларнинг моҳияти очиб берилган.

I. «Кадрлар тайёрлаш милий дастури»да тълим – нинг олий қадрияти сифатида шахс эътироф этилади. Мазкур қадрият Милий дастурнинг узлуксиз тълим, унинг инсонпарварлик ва ижтимоийлашишга йўналиши кўрсатмаларини мувваф фақияти амалга ошириши тъминлаши керак.

Педагогик жиҳатдан тўғри ва самарали ташкил этилган тълим – тарбия жараёни талабада мустакил тълим олиш, ўз – ўзини тарбиялаш, ўз – ўзини ривож – лантириш лаёқатларини шакллантиради. Бу жараён, бизнинг фикримизча, янги тълимий қадрияларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Тълимий қадриялар бўлажак талабалар томонидан куйидаги ҳолатларнинг қайд этилишини тақозо қиласди:

- ақлий, изодий қобилият (мавжуда вазият натижасини таҳмин кила олиш, ўзини намоён этишининг индивидуал усулини танлаш, ўзини изодий намоён этишда макбул шакл, метод ва усулларни кўллай олиш);
- ижтимоий – жамоатчилик (шахсни ижтимоий – лашгирлишга йўналтирилган, тархий сана ёки воқеаларга бағишланган, талабаларнинг қизиқишлари ва эҳтиёжларига кўра ташкил этилган тантанали тадбирлар асосида);
- ижтимоий – педагогик (бўлажак ўқитувчилар томонидан педагогик амалиёт даврида йўлга қўйилувчи фаолият).

Бўлажак ўқитувчиларнинг ўзини такомиллаштиришга нисбатан янтича ёндашуви ҳам тълимий қадрият сифатида баҳоланади. Шу боис педагогика олий ўқув юргларида мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнида талабаларда ўз – ўзини такомиллаштириш лаёқатини шакллантишга алоҳида ётибор қартиш максадга мувофиқ. Мазкур жараёнда қўйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

- шахсий ахборот ва методик диапазонини бойитиб бориш, вакти – вакти билан бу ҳақда ўзига ҳисобот бериб бориш;
 - индивидуал хусусиятларига кўра шахсий ривожланиш тизимини юзага келтириш; қасбий қобилиятларни такомиллаштириш, ўзини тарбиялашни индивидуал режалаштириш, режалаштириш даврида ўз – ўзига ҳисобот бериши.
- Ушбу ўринда «Мен» концепциясига нисбатан талаб юзага келади. Мазкур талаб, энг аввало, ўз шахсини баҳолаш (ўзини идрок этиш, ўзини таҳлил қилиш, ўзига баҳо бериш, ўзига ҳисобот бериш), шунингдек, шахсий,
- ижтимоий алօқалари.

II. Ўқувчилар билан педагогик одоб ва мумомала даражасида ташкил этилуви муносабатлар.

III. Педагогик фаолият одоби, педагогик ижодкорлик, педагогик фаолиятнинг бошлиғич турини танлап, педагогик технологиялардан фойдаланиш.

IV. Педагогик амалиёт даврида касбий ва шахсий қобилиятларни ижтимоийлаштириш (касбий – шахсий сифат қобилиятларнинг муҳиммилгини англаган ҳода уларни ривожлантириши борасида шахсан қайғуриш).

V. Бўлажак ўқитувчиларнинг йўналишилари:

- ўз – ўзини назорат қилиш, ўз – ўзини таҳлил қилиш (педагогик ишлар самараси, унинг натижаларини мухокама қилиш);
- амалга оширилган фаолият, шахсий имконини берувчи шароитларга нисбатан талабанинг эмоционал муносабати.

Бўлажак ўқитувчиларнинг ўзини такомиллаштиришга нисбатан янтича ёндашуви ҳам тълимий қадрият сифатида баҳоланади. Шу боис педагогика олий ўқув юргларида мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнида талабаларда ўз – ўзини такомиллаштириш лаёқатини шакллантишга алоҳида ётибор қартиш максадга мувофиқ. Мазкур жараёнда қўйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

- шахсий ахборот ва методик диапазонини бойитиб бориш, вакти – вакти билан бу ҳақда ўзига ҳисобот бериб бориш;
- индивидуал хусусиятларига кўра шахсий ривожланиш тизимини юзага келтириш; қасбий қобилиятларни такомиллаштириш, ўзини тарбиялашни индивидуал режалаштириш, режалаштириш даврида ўз – ўзига ҳисобот бериши.

Ушбу ўринда «Мен» концепциясига нисбатан талаб юзага келади. Мазкур талаб, энг аввало, ўз шахсини баҳолаш (ўзини идрок этиш, ўзини таҳлил қилиш, ўзига баҳо бериш, ўзига ҳисобот бериш), шунингдек, шахсий,

касбий – шахсий ривожланиши натижаларини умум – лаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Тълимий қадриятлар – шахс томонидан индивидуал кимматининг тўғри баҳоланиши, тан олиниши, шахс сифатида намоён бўлиши, шунингдек, шароитларни яратади. Умуман айтганда, табиий имкониятларини очиб бериш, ҳаётӣ вазифаларини амалга ошириш учун шароитлар яратиш лозим бўлади.

Шундай килиб, шахснинг эркин ривожланишини тъминлаш тълимни инсонпарварлаптириш ва демократлаштириш асосида рўй беради.

Тълим ижтимоий педагогик тизим сифатида, талабаларнинг шахсий қизиқишилари, ҳаётӣ максадларини ривожлантирувчи, эркин, индивидуал тъзимни ташкил этиш учун шароит яратади. Бу ҳолат зарур даражада талабаларга билимлар берилши йўлга кўйиш билан тъминланади. Ушбу жараёна шахснинг индивидуаллиги ва тақорролмаслигини эътибордан четда қолдириши мумкин эмас. Демак шахсни, унинг ривожланишини ҳамма босқичларida кузатиб бориш зарур. Шахснинг ривожланиши – тълимнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб, у индивидуал хусусиятлар негизида қарор топади. Ҳар бир талабаларнинг ўз ривожланиши, шахсий йўлини танлаш ҳукукини тан олиш (ўқишининг мослаштирилган ва вариатив шакли, метод ва воситалари билан) лозим.

Ўқитишни индивидуаллаштириша талабаларнинг кобилияглари, истеъодлари, қизиқишилари, қадриятлари йўналиши ва шахсий тажрибасига эътибор қаратилади. Талабанинг ўзлаштиришда ва тълим олиш фаолиятида намоён эта олиш имкониятлари ҳисобга олиниди.

Тълим мазмуни, унинг методлари, воситалари шундай курилиши зарурки, талаба ўқув материалларини, унинг тури ва шаклини танлаб олиш имкониятига эта бўлсин (тълим бериш индивидуал астурлари ишлаб чиқилмокда).

Тълим олиш жараёнида талабалар шахснинг анта – навий – ахлоқий ва интеллектуал сифатларини юзага келтирувчи матбуум билим, маҳорат ва қобилиятларни ёгалладилар. Тълим жараёнининг асосий максади ва натижалари ҳам ана шуларди.

